

ОДАМ САВДОСИНИ СОДИР ЭТУВЧИ ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ҚИЁФАСИ ВА АЁЛ ЖИНОЯТЧИЛАР ФЕНОМЕНИ

Ўринов Одилбек Лазиз ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Тезкор қидирув департаменти масъул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21553252>

Аннотация. Мазкур тезисда одам савдоси жиноятини содир этувчи шахсларнинг ижтимоий-демографик ва ахлоқий-психологик профили, хусусан, улардаги “ахлоқий деформация” ва инсонни буюмлаштириш хусусиятлари криминалогик жиҳатдан тадқиқ этилган. Тадқиқот доирасида транснационал жиноий синдикатларнинг иерархик тузилиши таҳлил қилиниб, ёллаш босқичида аёл жиноятчиларнинг улуши ортиб бораётганлиги феномени очиб берилган. Шунингдек, собиқ жабрдийдаларнинг “травматик боғланиш” оқибатида шафқатсиз ёлловчиларга айланиши муаммоси миллий суд-тергов амалиёти мисолида асослантирилган ва тегишли профилактик таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: одам савдоси, жиноятчи шахси, криминалогик қиёфа, ахлоқий деформация, аёл жиноятчилар феномени, собиқ жабрдийда, уюшган жиноий гуруҳ, рекрутер.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЙ ПОРТРЕТ ЛИЦА, СОВЕРШАЮЩЕГО ТОРГОВЛЮ ЛЮДЬМИ, И ФЕНОМЕН ЖЕНЩИН-ПРЕСТУПНИЦ

Ўринов Одилбек Лазизович

Ответственного сотрудника Оперативно-розыскного департамента

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

Аннотация. В данных тезисах с криминалогической точки зрения исследуется социально-демографический и морально-психологический профиль лиц, совершающих торговлю людьми, в частности, присущая им «моральная деформация» и овеществление человека. В рамках исследования проанализирована иерархическая структура транснациональных преступных синдикатов и раскрыт феномен возрастающей доли женщин-преступниц на этапе вербовки. Также на примере национальной судебно-следственной практики обоснована проблема превращения бывших жертв в жестоких вербовщиков вследствие «травматической привязанности» и выдвинуты соответствующие профилактические предложения.

Ключевые слова: торговля людьми, личность преступника, криминалогический портрет, моральная деформация, феномен женщин-преступниц, бывшая жертва, организованная преступная группа, рекрутер.

CRIMINOLOGICAL PROFILE OF THE PERPETRATOR OF HUMAN TRAFFICKING AND THE PHENOMENON OF FEMALE CRIMINALS

Urinov Odilbek Lazizovich

**Responsible officer of the Operational-Search Department of the
Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan**

Abstract. This thesis criminologically investigates the socio-demographic and moral-psychological profile of persons committing human trafficking, in particular, their "moral deformation" and objectification of human beings. Within the framework of the study, the hierarchical structure of transnational criminal syndicates is analyzed, and the phenomenon of the increasing share of female criminals at the recruitment stage is revealed. Furthermore, the problem of former victims turning into cruel recruiters as a result of "traumatic bonding" is substantiated using the example of national judicial and investigative practice, and appropriate preventive proposals are put forward.

Keywords: human trafficking, identity of the criminal, criminological profile, moral deformation, phenomenon of female criminals, former victim, organized criminal group, recruiter.

Одам савдоси жиноятининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда унинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини яратиш учун фақатгина қилмишнинг объектив (иқтисодий ва технологик) томонларини ўрганиш етарли эмас. Ҳар қандай жиноятнинг марказида муайян биологик, ижтимоий ва психологик хусусиятларга эга бўлган субъект, яъни инсон туради. Шу сабабли, ушбу транснационал таҳдидга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқишда “жиноятчи – жабрланувчи” тизимининг виктимологик хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш криминология фанининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Криминал виктимологиянинг фундаментал асосларини яратган машҳур рус олимлари Д.В. Ривман ва В.С. Устиновларнинг классик қарашлари билан таърифлайдиган бўлсак, “жиноят фақатгина тажовузкорнинг (жиноятчининг) маҳсули эмас, балки у том маънода жиноятчи ва жабрдийда хулқ-атворининг ўзаро тўқнашуви, улар ўртасидаги ўзига хос салбий симбиоз натижасидир”[1].

Одам савдоси жиноятини содир этувчи шахсларнинг криминологик қиёфаси бошқа турдаги умумжиноий қилмишларни (масалан, ўғирлик ёки босқинчиликни) содир этувчи шахсларнинг портретидан тубдан фарқ қилади. Одам савдогарлари, қоида тариқасида, юқори даражадаги коммуникатив қобилиятга, психологик манипуляция кўникмаларига ва муайян ижтимоий мақомга эга бўлган шахслардир. Мазкур тоифадаги жиноятчиларнинг ижтимоий-демографик ва ахлоқий қиёфасини тадқиқ қилган россиялик криминолог А.М. Козаевнинг таҳлилларига кўра, одам савдогарларининг мутлақ кўпчилиги ташқи кўринишидан жамиятнинг ижтимоий хавфли қатламига кирмайдиган, аксинча, “муваффақиятли тадбиркор” ёки “туризм агенти” ниқоби остида ҳаракат қилувчи шахслардир. Олим улардаги энг асосий доминант хусусият сифатида “ахлоқий деформацияни” (инсон ҳаёти ва қадрини тўлиқ қадрсизлантиришни) кўрсатади[2].

Ушбу феноменни янада кенгроқ, глобал иқтисодий-психологик нуқтаи назардан изоҳлаш учун инглиз тадқиқотчиси К. Бейлснинг илмий

хулосаларига мурожаат қиламиз. Унинг таъкидлашича, XVIII-XIX асрлардаги тарихий қулдор қулни ўзининг “қимматбаҳо мулки” деб билган ва унинг соғлиғини асрашга ҳаракат қилган бўлса, замонавий траффикернинг психологияси мутлақо бошқачадир. У инсонни мулк эмас, балки “бир марталик ишлатиладиган товар” сифатида кўради[3]. Мана шу “шахсни буюмлаштириш” хусусияти одам савдоси жиноятини содир этувчи шахснинг криминал портретидаги энг даҳшатли ва тузатиб бўлмас психологик хусусиятдир.

Фикримизча, одам савдогарининг психологик портретида ўзига хос “фикрий қарама-қаршилик” мавжуд. Бир томондан, у жамиятда ўзини қонунга итоаткор фуқародек тутати, хайрия ишлари билан шуғулланиши мумкин. Иккинчи томондан эса, у ўзгаларни совуққонлик билан сотиб юборишга қодир бўлган ўта хавфли социопатдир. Бу ҳолат тезкор-қидирув амалиётидан жиноятчиларни аниқлашда мутлақо янгича, интеллектуал ёндашувларни талаб этади.

Одам савдосини индивидуал ёки якка тартибда содир этиладиган умумжиноий қилмишлар қаторига қўшиб бўлмайди. Бугунги кунда ушбу жиноят юқори даражада марказлашган, транснационал ва трансконтинентал характерга эга бўлган қора иқтисодиётнинг йирик тармоғига айланган. Шу сабабли, жиноятчининг криминологик портретини фақатгина битта шахс мисолида эмас, балки уюшган жиноий гуруҳ ичидаги роллар тақсимооти орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инглиз тадқиқотчиси Л. Шелли ўзининг “Одам савдоси: Глобал истиқбол” номли фундаментал асарида бу масалани жаҳондаги энг йирик криминал тузилмалар – Хитой триадалари, Якудза, Болқон ва Рус мафиялари мисолида очиқ беради. Унинг таҳлилларига кўра, транснационал одам савдоси тармоқлари худди қонуний халқаро корпорациялар сингари қатъий иерархик меҳнат тақсимотига эга бўлиб, унда ҳар бир одам савдогари фақатгина ўзига бириктирилган тор функцияни бажаради:

Рекрутерлар (ёлловчилар) – жабрдийдани излаб топиш ва унга психологик ишлов бериш билан шуғулланади.

Транспортёрлар (ташувчилар) ва контрабандистлар – логистика, чегарадан ўтказиш ва сохта ҳужжатларни тайёрлашга масъул шахслар.

Эксплуататорлар (иш берувчилар ёки қўшмачилар) – жабрдийдани бевосита қабул қилиб олувчи ва унинг меҳнатидан (ёки танасидан) фойда кўрувчилар.

“Раҳнамолар” ва пул ювувчилар – жиноятни коррупцион йўллар билан ҳимоя қилувчилар ва молиявий оқимни легаллаштирувчилар[4].

Ушбу иерархия доирасидаги энг ноодатий ва ўта хавфли демографик тенденция – бу одам савдоси жиноятини содир этувчи шахслар орасида хотин-қизлар улушининг мисли кўрилмаган даражада юқори эканлигидир.

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан эълон қилинган “Одам савдоси бўйича глобал ҳисобот”нинг “Жиноятчилар ва жабрдийдалар профиллари” бобидаги статистика мазкур феноменни тўлиқ тасдиқлайди. Ҳисоботга кўра, дунё бўйлаб одам савдоси учун судланган шахсларнинг ўртача 30-35 фоизини аёллар

ташкил этади (айрим минтақаларда, хусусан, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда бу кўрсаткич ҳаттоки 40 фоиздан ҳам ошади)[5]. Қиёслаш учун: қотиллик ёки қуролли босқинчилик каби оғир зўравонлик жиноятларида аёлларнинг улуши одатда 5-10 фоиздан ошмайди.

Нима учун одам савдосидек ўта оғир ва шафқатсиз жиноятда аёллар бунчалик фаол иштирок этмоқда? UNODC экспертлари ва криминологлар мазкур саволга иккита асосий омил билан жавоб берадилар:

Биринчидан: Аёл жиноятчилар потенциал жабрдийдаларнинг (айниқса, ёш қизлар ва болаларнинг) фирибгарлик билан боғлиқ табиий ҳимоясини ва қўрқувини тезроқ сусайтиради. Нотаниш эркак кишидан кўра, ёқимтой, хушмуомала ва “муваффақиятли” кўринган аёлнинг хориждаги сердаромад иш ҳақидаги ваъдаларига жабрдийдалар тезроқ ва осонроқ алданадилар. Аёл жиноятчи бу ўринда “ғамхўр опа” ёки “яхши дугона” ниқоби остида ҳаракат қилиб, ишончга кириш тактикасини мукаммал қўллайди.

Иккинчидан: Криминологиядаги энг фожиали феноменлардан бири шуки, бугунги кундаги кўплаб одам савдоси жиноятини содир этувчи аёллар (айниқса, шахвоний эксплуатация соҳасида) ўтмишда ўзлари ҳам айнан шу жиноятнинг жабрдийдаси бўлган шахслардир. Қулликда узоқ вақт давомида руҳий ва жисмоний эзилган аёллар жиноятчи томонидан ўрнатилган “қарздорлик қарамлигидан” қутулиш ёки оғир жазодан (калтакланишдан) қочиш мақсадида, эксплуататор билан ҳамкорлик қилишга ва ўз ватанидан янги жабрдийдаларни алдаб чақириб беришга мажбур бўладилар. Вақт ўтиши билан улардаги “травматик боғланиш” мутлақ ахлоқий деградацияга айланади ва улар собиқ жабрдийдадан шафқатсиз ёлловчига айланадилар.

Мазкур фожиали криминологик тенденциянинг яққол амалий тасдиғини 2025 йилнинг ёз фаслида Тошкент шаҳар Сергели туманида фош этилган жиноят иши мисолида кўриш мумкин. Тезкор-қидирув тадбирлари давомида фуқаролар Ш.А. ва З.А. икки нафар ёш қизни (З.Т. ва Д.С.ларни) шахвоний эксплуатация қилиш мақсадида жиноий тил бириктириб, Туркиянинг Истанбул шаҳрига жўнатаётган вақтида халқаро аэропорт ҳудудида ашёвий далиллар билан ушланган. Жиноят ишини суриштириш жараёнида ўта эътиборли виктимологик факт юзага чиқди: ушбу жиноий гуруҳ ташкилотчиларидан бири бўлган Ш.А. аслида 2021 йилда ўзи ҳам А.Н. исмли ёлловчининг алдовларига ишониб Туркияга бориб қолганлиги ва қарийб бир йил давомида бегона шахсларга сотилиб, шахвоний қулликда ушлаб турилганлигини маълум қилган[6]. Ўзининг “қарамлигидан” қутулиш ва эксплуататорга яқинлашиш мақсадида у собиқ жабрдийдадан янги ёлловчига айланган. Бу ҳолат транснационал жиноий тармоқларда аёллар виктимлигининг қандай қилиб криминал тажовузкорликка трансформация бўлишини амалий жиҳатдан тўлиқ исботлайди.

Юқоридаги назариялар ва статистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда, шундай илмий хулосага келамизки: одам савдоси гуруҳлари ўзига хос гендер-пирамида шаклида қурилган. Пирамиданинг энг юқори поғонасини (капитал эгалари, халқаро ташувчилар) асосан эркаклар ташкил этса,

пирамиданинг энг қуйи, лекин энг муҳим поғонасини (бевосита жабрдийдалар билан ишловчи рекрутерларни) аёллар эгалламоқда.

Нима учун одам савдосидек ўта оғир ва шафқатсиз жиноятда аёллар бунчалик фаол иштирок этмоқда? UNODC экспертлари ва криминологлар мазкур саволга жавоб берар экан, криминологиядаги энг фожиали феноменлардан бирини очиб берадилар. Бутунги кундаги кўплаб одам савдоси жиноятини содир этувчи аёллар (айниқса, шахвоний эксплуатация соҳасида) ўтмишда ўзлари ҳам айнан шу жиноятнинг жабрдийдаси бўлган шахслардир.

Қулликда узоқ вақт давомида руҳий ва жисмоний эзилган аёллар жиноятчи томонидан ўрнатилган “қарздорлик қарамлигидан” қутулиш ёки оғир жазодан қочиш мақсадида, эксплуататор билан ҳамкорлик қилишга ва ўз ватанидан янги жабрдийдаларни алдаб чақириб беришга мажбур бўладилар. Вақт ўтиши билан уларда шаклланган “травматик боғланиш” (Стокгольм синдроми) мутлақ ахлоқий деградацияга айланади ва улар собиқ жабрдийдадан шафқатсиз ёлловчига айланадилар. Аёл жиноятчилар потенциал жабрдийдаларнинг (айниқса, ёш қизлар ва болаларнинг) фирибгарлик билан боғлиқ табиий ҳимоясини ва қўрқувини тезроқ сусайтиради. Ёқимтой, хушмуомала ва “муваффақиятли” кўринган аёлнинг хориждаги сердаромад иш ҳақидаги ваъдаларига жабрдийдалар тезроқ ва осонроқ алданадилар. Аёл жиноятчи бу ўринда “ғамхўр опа” ёки “яхши дугона” ниқоби остида ҳаракат қилиб, ишончга кириш тактикасини мукаммал қўллайди.

Мазкур фожиали криминологик тенденциянинг яққол амалий тасдиғини 2025 йилнинг ёз фаслида Тошкент шаҳар Сергели туманида фош этилган жиноят иши мисолида кўриш мумкин. Тезкор-қидирув тадбирлари давомида фуқаролар Ш.А. ва З.А. икки нафар ёш қизни (З.Т. ва Д.С.ларни) шахвоний эксплуатация қилиш мақсадида жиноий тил бириктириб, Туркиянинг Истанбул шаҳрига жўнатаётган вақтида халқаро аэропорт ҳудудида ашёвий далиллар билан ушланган. Жиноят ишини суриштириш жараёнида ўта эътиборли виктимологик факт юзага чиқди: ушбу жиноий гуруҳ ташкилотчиларидан бири бўлган Ш.А. аслида 2021 йилда ўзи ҳам А.Н. исмли ёлловчининг алдовларига ишониб Туркияга бориб қолганлиги ва қарийб бир йил давомида бегона шахсларга сотилиб, шахвоний қулликда ушлаб турилганлигини маълум қилган[6]. Ўзининг “қарамлигидан” қутулиш ва эксплуататорга яқинлашиш мақсадида у собиқ жабрдийдадан янги ёлловчига айланган. Бу ҳолат транснационал жиноий тармоқларда аёллар виктимлигининг қандай қилиб криминал тажовузкорликка трансформация бўлишини амалий жиҳатдан тўлиқ исботлайди.

Юқоридаги назариялар ва статистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда, шундай илмий хулосага келамизки: одам савдоси гуруҳлари ўзига хос гендер-пирамида шаклида қурилган. Пирамиданинг энг юқори поғонасини (капитал эгалари, халқаро ташувчилар ва бошқалар) асосан эркаклар ташкил этса, пирамиданинг энг қуйи, лекин энг муҳим поғонасини (бевосита жабрдийдалар билан ишловчи рекрутерларни) аёллар эгалламоқда.

Одам савдоси жиноятини содир этувчи шахснинг криминологик портретини ва транснационал гуруҳлардаги роллар тақсимотини, хусусан аёл жиноятчилар феноменини миллий ва халқаро тадқиқотлар асосида комплекс таҳлил қилиш натижасида амалиётга қуйидагиларни жорий этиш таклиф этилади:

Биринчидан, одам савдогарининг психологик профили умумжиноий субъектлардан тубдан фарқ қилиши, унинг асосида чуқур “ахлоқий деформация” ва инсон қадрини тўлиқ қадрсизлантириш ётишини эътироф этиш лозим. Жиноятчининг жамиятдаги позитив қиёфаси ва юқори интеллектини уни аниқлашни мураккаблаштираётганлигини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини анъанавий усулларидадан воз кечиб, интеллектуал ва молиявий разведка даражасига кўтариш чораларини кўриш талаб этилади.

Иккинчидан, транснационал одам савдоси синдикатлари қатъий иерархик тузилмага эга бўлиб, унда “аёл-ёлловчилар”нинг улуши глобал ва миллий миқёсда кескин ошиб бораётганлиги инкор этиб бўлмас фактдир. Кўп ҳолларда собиқ жабрдийдаларнинг ўзлари жиноятчига айланаётганлигини инобатга олиб, давлатнинг тезкор-қидирув тадбирлари ва профилактика механизмлари фақатгина “молиявий марказларни” йўқ қилишга эмас, балки айнан қуйи бўғиндаги аёл жиноятчилар тармоғини аниқлашга қаратилиши шарт. Шунингдек, профилактика тизимида жабрдийданинг жиноятчига айланишига барҳам берувчи механизмларни (чуқурлаштирилган психологик реабилитацияни) кучайтириш зарур.

Учинчидан, жиноят субъектларининг пост-пенал ҳуқ-атворини назорат қилиш ва махсус рецидивнинг олдини олиш мақсадида жиноятчи шахсининг криминологик портретидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, одам савдоси жиноятини содир этган, пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, хусусан, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига (рецидивга) барвақт чек қўйиш тизимини қонунчиликда қатъий мустаҳкамлаш илгари сурилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ривман Д.В., Устинов В.С. Виктимология. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2000. – С. 45-48.
2. Козаев А.М. Криминологическая характеристика личности преступника, совершающего торговлю людьми. Диссертация... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 60-65.
3. Bales, Kevin. Understanding Global Slavery: A Reader. – University of California Press, 2005. – P. 88-92.
4. Shelley, Louise. Human Trafficking: A Global Perspective. – Cambridge University Press, 2010. – P. 112-118.
5. UNODC. Global Report on Trafficking in Persons 2024. Profiles of Offenders and Victims. – Vienna: United Nations, 2024. – P. 45-50.

6. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали тумани судининг 2025 йилдаги архиви материалларидан. 1-1011-2504/555-сонли жиноят иши.